

Маккада қурол-яроғ кўтариш ҳалол эмас | Сийрат дарслари (295-дарс)



19:00 / 16.08.2024 2601

478. Жобир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангизга Маккада қурол-яроғ кўтариш ҳалол эмас»**, дедилар.

Муслим ривоят қилган.

479. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага яқинлашганларида: **«Аллоҳим, мен унинг икки тоғи орасини худди Иброҳим Маккани ҳарам қилганидек ҳарам қиламан. Аллоҳим, улар учун муддлари ва соъларини баракотли қилгин!»** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

480. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръон ва мана бу саҳифадагидан бошқа нарсани ёзиб олмадик. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: **«Мадина Айр билан фалон жойгача ҳарамдир. Ким у ерда бидъат пайдо қилса ёки бидъат пайдо қилганга паноҳ берса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг, инсонларнинг - барча-барчаларининг лаънати бўлсин! Ундан фарз ҳам, нафл ҳам қабул қилинмайди. Муслмонларнинг аҳди бирдир. Уни уларнинг энг пасти ҳам бериши мумкин. Ким муслмоннинг аҳдини бузса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг, инсонларнинг - барча-барчаларининг лаънати бўлсин! Ундан фарз ҳам, нафл ҳам қабул қилинмайди.»**

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

481. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳим! Албатта, Иброҳим Маккани ҳарам қилди ва уни ҳарамга айлантирди. Албатта, мен Мадинани ҳарам қилиб, уни ҳарамга айлантирдим. Унинг икки тоғи орасида қон тўкилмайди. Унда жанг учун қурол-яроғ кўтарилмайди. Унда дарахт емдан бошқа нарса учун кесилмайди. Аллоҳим, бизга Мадинамизни баракали қилгин! Аллоҳим, бизга соъимизни баракали қилгин! Аллоҳим, бизга муддимизни баракали қилгин! Аллоҳим, бизга соъимизни баракали қилгин! Аллоҳим, бизга муддимизни баракали қилгин! Аллоҳим, бизга Мадинамизни баракали қилгин! Аллоҳим, бир барака билан икки барака қилгин!»**

Муслим ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.